

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORIРЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77 A

г. Навои ул. Халклар Дустлиги 77 А

“ 2 ” Май 2016 у.(г)

№ К-71

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 февралдаги “Худудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2497-сонли қарорини бажариш юзасидан, шунингдек вилоят, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш, худудларни комплекс ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан вилоят, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги Намунавий низомлар тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Умаров, Расулов, Ҳамроев, Раззоқов, Мусурманов, Содиқова), гуруҳ раҳбарлари (Ҳамроев, Тилавов), Ахборот-таҳлил хизмати (Абдурахмонов), Йиғма бошқарма (Хасанов), Ишлар бошқарувчиси (Шамшиев) уч кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ:

Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низомни;

Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни;

Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминсинлар.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига уч кун муддатда:

а) Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида:

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги Низомларни;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари ходимларининг функционал вазифаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

б) ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига мувофиқлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов